

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР БИЛАН ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Марғилон, Қўқон, Термиз ва бошқа тарихий шаҳарларда буюк алломаларнинг илмий ва маданий мероси тўғрисида **семинар, симпозиум, конференция, илмий-амалий анжуманлар ўтказиш ҳамда илмий-оммабоп нашрларда материаллар эълон қилиш** орқали сайёҳларни жалб этиш;

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар билан ҳамкорликда илмий-таҳлилий материаллар, бадиий, театр ва кино асарлари, видеороликлар, китоблар, тарқатма материаллар ва бошқа кўринишдаги **тарғибот материалларини тайёрлаш**;

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ўзаро ҳамкорлик орқали **“Табаррук зиёрат” брендини** яратиш ва тарғиб қилиш;

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатлар, шунингдек, туркий халқлар диаспоралари кенг тарқалган бошқа мамлакатлардан **туристларни мамлакатимизга кенг жалб қилиш**;

ташкил этиладиган турли тадбирлар ва лойиҳалар орқали туркий халқлар ёш авлод вакилларининг ўзаро **маданий яқинлашувига эришиш, уларда миллий урф-одатлар ва аждодларга ҳурмат каби юксак қадриятларни шакллантириш**.

2. Қуйидагилар:

Туркий дунё доирасида “Табаррук зиёрат” туризм концепциясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси **2-иловага** мувофиқ;

Қўқон шаҳрининг “Туркий дунёнинг туризм пойтахти” мақоми-ни олганлиги муносабати билан 2022-2023 йилларда амалга ошириладиган маданий-маърифий тадбирлар дастури **3-иловага** мувофиқ;

Қўқон шаҳрида жойлашган реставрация қилинадиган ва мукаммал таъмирланадиган моддий маданий мерос объектлари рўйхати **4-иловага** мувофиқ;

2022 йилда Қўқон шаҳрининг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар дастури **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

а) 2023 йилдан бошлаб, **ҳар икки йилда бир маротаба: май ойининг учинчи декадасида** Марғилон шаҳрида **“Марғилон ипак матоларининг халқаро бозордаги аҳамияти”** мавзусида кўргазма ва илмий-конференция; **июнь ойининг биринчи декадасида “Лаванда” фестиали**;

июль ойида олий таълим муассасалари талабалари ва ёшлар учун Халқаро “Turksoy” ташкилоти билан ҳамкорликда **“Туркий тилли ёшлар” халқаро фестивали**;

август ойининг учинчи ҳафтасида туркий давлатларнинг тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, журналисти ва блогерлар учун **“Табаррук зиёрат” халқаро медиатурси** ва унинг доирасида **“B2B” форматид**а **учрашувлар** ташкил этилади;

б) Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар тилларида

Давлат буюртмасига асосан миллий кино маҳсулотларини яратиш дастури доирасида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан маданий меросимиз, буюк аллома ва улаомларимизнинг илм-фан ривожига қўшган бебаҳо меросини оммалаштириш ва тарғиб қилишга қаратилган **қисқа метражли ва ҳужжатли фильмлар** яратиш тизими йўлга қўйилади.

4. Қуйидагилар:

Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги — **“Табаррук зиёрат” халқаро медиатурси** ва унинг доирасида **“B2B” учрашувлар** ҳамда **“Туркий тилли ёшлар” халқаро фестивалини** юқори савияда ташкил қилишга;

Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси — **“Марғилон ипак матоларининг халқаро бозордаги аҳамияти”** мавзусида кўргазма ва илмий-конференция ҳамда **“Лаванда” фестивалини** юқори савияда ташкил қилишга;

Кинематография агентлиги — **қисқа метражли ва ҳужжатли фильмлар** яратишга масъул ҳисобланади.

5. Туризм ва маданий мерос вазирлиги **2022 йил 1 октябр-га қадар**:

а) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар тилларида юритилувчи **“Табаррук зиёрат” туризм платформасини** (кейинги ўринларда — Платформа) ташкил қилиш;

б) Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда: Платформани Туркий давлатлар ташкилотининг расмий веб-саҳифаси билан интеграция қилиш;

Туркий давлатлар ташкилотининг ахборот ресурсларида Концепция ва унинг доирасида амалга ошириладиган тадбирларни жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Транспорт-логистика масалаларини тезкор кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссия (А.Абдухакимов) бир ой муддатда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчи давлатлардан **мунтазам ва чартер авиақатновларни йўлга қўйиш** бўйича асослантирилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

Қўқон университети (кейинги ўринларда — Университет) **ҳузур**ида Туризм факультети ва Меҳмонхона амалиёти маркази, Академик хостел, Академик туризм маркази, Университет ва аҳоли учун очик кутубхона ва нашриётни ташкил этиш ҳамда уни туризм масалалари бўйича замонавий ўқув адабиётлари ва кутубхона фонди билан таъминлаш;

2022 йил 1 ноябрга қадар Маданий мерос агентлиги ҳузурида давлат муассасаси шаклида **“Қўқон” арт-резиденциясини** ташкил этиш;

“Golden Valley Marathon” халқаро марафонини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

8. Белгилансинки:

Университет ҳузуридаги **Туризм факультети ва Меҳмон-**

хона амалиёти маркази, Академик хостел ҳамда Академик туризм маркази биноларини қуриш — Университет таъсисчилари маблағлари;

Университет ҳузуридаги **очик кутубхона ва нашриётни ташкил этиш**, уни асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари;

Университетни туризмга оид замонавий ўқув адабиётлари ва кутубхона фонди билан таъминлаш — Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва халқаро молия институтларининг грантлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Инновацион ривожланиш вазирлиги Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Университет билан биргаликда Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **2022 йил 1 сентябрга қадар** ёшлар ва талабалар учун **старт**ап лойиҳалар танловини ўтказиш чораларини кўрсин.

10. Қуйидагилар “Қўқон” арт-резиденциясини сақлаш харажатлари учун:

Туризм ва маданий мерос вазирлиги **2024 йил 1 январга қадар** бюджетдан ташқари Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан;

Молия вазирлиги **2024 йилдан бошлаб** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида маблағ ажратилишини назарда tutсин.

11. Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси ва Фарғона вилояти ҳокимлигининг **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида** Фарғона вилоя-тида ислом дини, минтақадаги мавжуд дин намояндалари мероси ва моддий маданий мерос объектларини акс эттиручи **“Туркий дунё боғи”, “Аскиячилар боғи” ва “Шахмат боғи” номли тематик боғларни** барпо этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Белгилансинки:

а) Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан “Туркий дунё боғи”, “Аскиячилар боғи” ва “Шахмат боғи” тематик боғларида:

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлардан таширф буюрган туристлар томонидан манзарали даракх ва бута қўчатларини танлаб олиб экиши учун **махсус интерактив ахборотлаштирилган электрон портал тизими** яратилади;

мазкур порталда туристлар учун манзарали даракх ва бута қўчатларини уларнинг турларидан келиб чиқиб танлаш ва харид қилиш, **даракх ва бута қўчатларини экиш жойини белгилаб олиш имконияти яратилади**;

экиладиган даракх ва бута қўчатларига туристлар тўғрисида маълумот бириктирилади;

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР, МУҲИМ ТАШАББУСЛАР, АСОСЛИ ТАКЛИФЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда мамлакат иқтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бўлган долзарб масалалар қаторида қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштириляётган бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди. Ҳужжат лойиҳаларини янада такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар илгари сурилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доираси кенгайтирилади

ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинишни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама марказида бўлди.

Мазкур ҳужжат билан 1 кодекс ва 1 қонунга ўзгартиш киритилишни назарда тутилган. Жумладан, “Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг 47-моддаси биринчи қисмида “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонунга тушунчаларни мувофиқлаштириш мақсадига “давлат эҳтиёжлари” деган сўзлар “жамоат эҳтиёжлари” деган сўзлар билан алмаштирилиши таклиф этиляпти. Шунингдек, Фуқаролик кодексининг бир қатор моддаларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлаштириш мақсадига “қонун ҳужжатлари” деган сўзлар тегишли келишидаги “қонун” сўзи билан алмаштирилимоқда.

Худди шу асосга кўра, кодекснинг 197-моддасидagi “мулк ҳуқуқини бекор қилувчи қонунчиликка асосан бекор бўлади” деган сўзлар “қонунда белгиланган асосларга кўра мулк ҳуқуқини бекор қилишга олиб келувчи қонунчилик ҳужжатига мувофиқ бекор бўлади” деган сўзлар билан алмаштирилибейрди.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши жамоат эҳтиёжлари учун компенсация эвазига ер участкаларини олиб қўйиш масалаларида мулк ҳуқуқи кафолатларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Йиғилишда “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам ниҳоятда қизғин кечди. Таклиф этиляётган лойиҳада давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишининг та-моийллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари, давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доираси кенгайтириляпти. Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши

фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини янада ошириш ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган кафолатларини кучайтиришга хизмат қилади.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича бир қатор асосли таклифлар берди. Қизғин бахс-муноза-ра, савол-жавоблардан сўнг ушбу ҳужжат депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Кодексда назарда тутилган қоидаларнинг турлича талқин қилинишининг олди олинад

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида, даставвал, “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди. Такъидланганидек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юритишда қўрсатилиб, маъмурий ва фуқаролик ишлари бўйича давлат ҳисобидан бепул ёрдам кўрсатиш назарда тутилмаган. Бу эса ҳам таъминланган фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаслигига олиб келмоқда. Натигада бу, таъбир жоиз бўлса, “чунтак адвокатлари” ва бошқа коррупциявий омиллар юзага келишига сабаб бўляпти.

Хусусан, 2021 йилда маъмурий судлар томонидан қўрилган 15 мингга яқин ишлардан 4 мингдан ортиғи пенсия ва нафақа тайинлаш масалалари билан боғлиқ бўлса, фуқаролик ишлари бўйича судлар-да 519 мингга яқин ишлардан қарийб 148 мингтаси хотин-қизларнинг даъво аризалари асосида қўрилган.

Шу билан бирга, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни мувофиқлаш-тирувчи ягона орган белгиланмагани бюд-жет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишига тўсқин-лик қилмоқда.

Таклиф этиляётган қонун лойиҳаси жисмоний шахсларга мамлакатимиз Конституцияси ва халқаро шартномалар билан кафолатланган ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда юридик ёрдам олиш ва одил судловга эришишда тенг имкониятлардан фойдала-нишни таъминлайди.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, пишқиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича бир қатор таклифлар берди. Ўз натижада, ушбу ҳужжатнинг аҳамиятини инобатга олиб уни қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикаси-нинг Фуқаролик кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди. Мазкур жараён чоғида лойиҳа билан киритилаёт-ган ўзгартиш ва қўшимчалар Фуқаролик кодексига назарда тутилган қоидаларнинг турлича талқин этилишининг олди олишга хизмат қилишини эътиборга олиб, депу-татлар уни маъқуллади.

Йиғилишда фракция ваколатига тааллуқ-ли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

Адвокатларни инсон омилисиз танлаш тартиби жорий этилмоқда

“Давлат ҳисобидан юридик ёрдам тўғри-сида”ги қонун лойиҳаси “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида ҳам қўриб чиқилди.

Такъидланганидек, мазкур қонун лойи-ҳасини ишлаб чиқишдан асосий мақсад жисмоний шахсларга Ўзбекистон Консти-туцияси ҳамда халқаро шартномалар билан кафолатланган ўз ҳуқуқ ва қонуний ман-фаатларини рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барқарор ва ишончли давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини яратишдан иборат.

Ушбу ҳужжатда давлат ҳисобидан юри-дик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реес-трини юритиш ва унга адвокатларни киритишнинг очик ҳамда шаффоф меха-низмлари ва ахборот-коммуникация технолоияларидан фойдаланган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрса-тидиган адвокатларни инсон омилисиз электрон тизим орқали тасодифий тан-лаш тартиби жорий этилмоқда.

Шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштириш учун масъул давлат органи сифатида Адлия ва-зирлиги белгиланиши, ушбу вазифа унинг тизимидagi юридик хизмат қўрсатиш мар-казларига юклатилияпти.

Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши дав-лат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш-нинг шаффоф тартибини жорий этиш ҳамда давлат томонидан ушбу мақсадда ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан самарали назоратни ўрнатишга хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, “Ер участкала-рини компенсация эвазига жамоат эҳти-ёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомил-лари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республи-каси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ки-ритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳока-мадан ўтказилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Фракция йиғилишида кун тартибига ки-ритилган бошқа бир қатор қонун лойиҳа-лари партия позициясидан келиб чиққан ҳолда қўриб чиқилиб маъқулланди.

Пробациянинг принциплари белгиланпти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб “Проба-ция тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Унда пробациянинг вазифалари, шакл-лари ва принциплари, пробация хизмати ходимларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, иқтимоий-ҳуқуқий ҳимояси, пробация хиз-мати фаолиятига қўмақлашиш, қўллаб-қув-ватлаш ҳамда ушбу фаолиятни назорат қилиш тартиби белгиланмоқда.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида партиянинг ғоявий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уни янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини бериб, ҳужжатни маъқуллашди.

Йиғилишда, шунингдек, “Ўзбекистон Рес-публикасининг Фуқаролик кодексига ўзгарти-шлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда қўриб чиқилди.

Уни қабул қилиш орқали Фуқаролик ко-дексида назарда тутилган қоидалар турлича талқин этилишининг олди олиш ҳамда мулк-ка бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш ва мулк-ка доир муносабатлар тартибга солиниши-га эришилиши. Қонун лойиҳасидаги норма-лар атрофлича қўриб чиқилиб, фракция аъзо-лари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда, шунингдек, бошқа бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, кун тар-тибидagi масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Малакали юридик ёрдам олиш механизмлари такомиллаштирилмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фрак-цияси йиғилишида “Давлат ҳисобидан юри-дик ёрдам тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси жисмоний шахсларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаа-тларини рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барқарор ва ишончли давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш, юридик ёрдам олиш ва одил судловга эришишда тенг имкониятлардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Лойиҳа билан давлат ҳисобидан юри-дик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этишнинг шаффоф механизмларини жо-рий қилиш, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишни мувофиқлаштирувчи яго-на органини белгиллаш ва бу орқали бюд-жет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишини таъмин-лаш кўзда тутилган.

Қизғин бахс-мунозарога бой бўлган фракция йиғилишида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар билдирилиб, ҳужжат қўллаб-қувватланди.

Шу билан бирга, фракция йиғилишида бошқа бир қатор қонун лойиҳалари ҳам қўриб чиқилиб, фракциянинг тегишли қаро-ри қабул қилинди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

б) 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги “Туристларга хизмат кўрсатиш маркази” ДУҚнинг туристик ахборот марказла-ри Ўзбекистон Республикасининг халқаро аэропортлари, чегара ўтказиш пунктларида бепул жойлаштирилади ҳамда Концепцияни амалга ошириш доирасида республиканинг туризм салоҳияти тарғиб қилиб борилади;

туристик ахборот марказлари ходимларининг чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб-чиқishi туристик ахборот маркази-да фаолият олиб боришини тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширилади.

13. Фарғона вилояти ҳокимлиги Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Қурилиш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда тематик боғлар ташкил қилиш учун ер участка-лари** танланиши ва уларнинг белгиланган тартибда ажратили-шини таъминласин.

14. Озарбайжон Республикасининг Шемаха шаҳри 2023 йилда “Туркий дунёнинг туризм пойтахти” этиб белгиланганлиги маъ-лумот учун қабул қилинсин.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Ташқи ишлар вазирли-ги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлигининг “Туркий дунёнинг ту-ризм пойтахти” этиб белгиланадиган шаҳарлар учун рамзий ка-лит топшириш маросимини ўтказиш тўғрисидаги таклифига ро-зилик берилсин.

15. Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳамда Фарғона ви-лояти ҳокимлиги:

бир ой муддатда “Туркий дунёнинг туризм пойтахти” этиб белгиланадиган шаҳарлар учун рамзий калит ишлаб чиқсин;

Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 декабрга қадар** Озарбайжон Республикасининг Шемаха шаҳрига рамзий калит топшириш маросимини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Туркий давлатлар ташки-лотига аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасида зиёрат туризми соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш ва “Табаррук зиёрат” туризм концепциясини ёритишга доир тарғибот тадбирларини амалга оширсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва маданий мерос вазири ўринбосари Б.Ибрагимов ва Фарғона вилояти ҳокими Х.Бозоров белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 29 июль	

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ 6 ТУРДАГИ Э

Халқимизда “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилади”, деган нақл бор. Бундай “жанжал”лар минтақа миқёсида, қўтба даражасида, бутун Ер юзида юзага келтирадиган парокандалиқни, инқирозни, бахтсизликларни тасаввур этиб кўринг-а! Шу маънода, ҳар қандай

Муносабат

АФҒОНИСТОННИНГ ОСОЙИШТА ВА БАРҚАРОР ДАВЛАТГА АЙЛАНИШИ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР

“Жанжал” оловида исиниш учун унга тинмай юл сегиб турганлар бир ҳақиқатни англаб олишлари лозим: урушда ғолиблар бўлмайди, вақтида сув сегиб қўйилмаса, эртани-кечми, бу олов ҳаммани қомига тортиб кетади. “сен мени яратган экансан”, дея айрим кимсаларни четлаб ўтмайди...

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзусидаги халқаро анжуман қатнашчиларига йўллаган мурожаатини ўқиб ва Бевоесита у кишининг ташаббуси билан ўтказилган муҳим тадбирдаги маърузаларни тинглаб, кўнглимдан шу мулоҳазалар кечди. Юртбошимиз ўз мурожаатида жаҳонда ҳамда ён-атрофимизда юзага келган вазият ҳақида ўта муҳим ғоя ва хулосаларни баён этди.

Бугунги шиддатли давримиз, кескин суръатларда кечаётган интеграциялашув, глобаллашув жараёнлари ҳар бир инсондан она сайёрамизнинг турли нуқталарида ўз бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшашни тақозо этмоқда. Бундай фавқулодда шароит, табиийки, кечмиш воқеаларидан лозим сабоқлар олиб, умуминсоний хулосалар билан бугуннинг фаровон кечмишни таъминлашни, эртанги кунга дадил қадам ташлашни долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Шубҳасиз, бу борада Юртбошимизнинг “Амударёнинг нариги соҳилида тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди” деган давяткор нидоси ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бу худди, эй одамод, кўзингни оч, атрофга бир қара, кечаги тараҳдан хулоса, сабоқ чиқар, дегандек туюлади! Бундай чақирик остида бало-қазоларга қарши ўз вақтида чора қўриш, керак бўлса, бутун имкониятларимизни уларга сафарбар этиш, турли мамлакатлар, миллат ҳамда элатларнинг бир-бирига қарама-қарши туриб эмас, балки ўзаро елкадош бўлиб, тил топилиб, бундай офатларни томири билан йўқ қилиш ташаббуси ётибди. Афғонистонда барқарор ва ақийнй тинчликка, тараққиётга эришишнинг якяю ягона йўли шу. Бунй дунё жамоатчилиги, олам аҳли бугун тушуниб, англаб олмаса, эртага кеч бўлиши мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг мурожаатини тингларканман, элимизнинг “Кўшнинг тинч — сен тинч”, деган ҳикматини эсладим. Ва айнан шу мамлакат мисолида уруш, ўзвонлилик ҳеч бир мамлакатга эзгулик олиб келмаслигини, аслиқча, ёвузлик яна бир қарра ёвузлик яратишини англадим. Расмий маълумотларга кўра, афғон аёлларининг 85 фоизи, эркакларнинг эса 51 фоизи саводсиз; қишлоқ жойларда, ҳатто 8 — 10 йилги қизчалар ҳам турмушда қузатилмоқда; 100 минг кўзи ёриган аёлдан 1 минг 600 нафари вафот этмоқда; аёллар ўртача 44 йил умр кўради; 40 йилдан зиёд вақт мобайнида давом этган

уруш туфайли камида 1,5 миллион аёл бева қолган, уларнинг ўртача ёши 35 атрофида.

Шўқрки, Афғонистонда нисбатан тинчлик-осойишталик қарор топти. Аммо бу муаммо ечимини топди, дегани эмас. Олдинда амалга оширилиши керак бўлган талай юмушлар бор. Табиийки, Афғонистон масаласи глобал аҳамиятга эга бўлган мавзу ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистоннинг амалдаги Тараққиёт стратегиясида Афғонистонни ривожлантиришга қаратилган очик прагматик сиёсат олиб борилиши ва бу мамлакатимиз таъши сиёсатидаги асосий йўналишлардан бири саналиши белгиланган.

Мамлакатимиз Президенти Афғонистонда тинчлик таъминланиши юзасидан нафақат Ўзбекистонда бўлаётган тадбирларда, балки халқаро минбарлардан туриб ҳам қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Шунингдек, Афғонистонда урушдан жабр кўрган одамларга ёрдам кўрсатиб, ўзининг амалий тақлифларини ҳам ўртага ташламоқда. Хўш, Президентимиз нега бу қадар қуюнқаклик қилмоқда? Нега ҳар бир қишқишда жафокаш юрт эртаси ҳақида жон қолтмоқда? Нега Афғонистон суверенитети, мустақиллиги ва худудий ахилтилигини кўллаб-қувватлашини, шунингдек, тинчлик, хавфсизлик, миллий ярашувни таъминлаш, Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик ва барқарор ривожланиш тамойиллари тарафдори эканлигини билдириб, мамлакат келажиги ўз халқи томонидан белгиланиши кераклигини қайд этмоқда?

Масаланинг шу жиҳатларига ҳам тўхталыш фойдадан холи бўлмайди. Биринчидан, барқарор, тинч ва фаровон Афғонистон кўп миллатли афғон халқи ҳамда жаҳон ҳамжамияти манфаатларига жавоб беради. Тошкент афғон ичидаги ярашувни, шунингдек, дунё ҳамжамиятининг ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини кўллаб-қувватлашда давом этар экан, Афғонистон “континентал кўприк” бўлишига ишонади. Афғонистонга тинч ҳаёт қайтгач, бутун минтақа савдо-сотиқнинг ўсиши, одамлар эса сармояларнинг кириб келишидан фойда олади, натижада бу макон Осиё ва умуман, Евроосиёнинг ўсиш “двигатели”га айланади. Бундан ташқари, Афғонистондаги тинчлик ҳамда барқарорлик минтақа давлатлари учун хавфсизлиқни таъминлашга йўналтирилаётган катта миқдордаги маблағларни ривожланишга ва иқтисодий тикланишга қайта тақсимлаш имкониятини яратеди.

Афғонистон Марказий Осиёнинг ажралмас қисмидир. Тошкентнинг минтақада яхши қўшничилик муҳитини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу Афғонистон ўз минтақасида “биргаликда ривожланиш ва ўсиш” ҳамда ривожланишдан фойда олишига ишонаданига муайян “давлатлар тизимига” айланишини англа-

тади. Узоқ давом этган моҳародан чиққан мамлакат учун бундай муҳит гуллаб-яшнашининг янги йўлига тушиб олишига жуда қулай имкониятдир.

Иккинчидан, Афғонистон Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги минтақавий боғлиқлиқнинг муҳим бўғинидир. Агар осойишталик таъминланса, Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида “белбоғ” юзага келади. Ўзбекистон ва унинг қўшнилари янги бозорларга чиқиш имкониятини кўлга киритади. Ваҳоланки, етарли салоҳиятга эга бўлса-да, Жанубий Осиё давлатлари билан алоқаларимиз, кўрсаткичлар кўнглидагидек эмас. Ҳиндистон, Бангладеш, Шри-Ланка, Бутан, Непал каби давлатларнинг 2 миллиардга яқин нуфусга эга бўлган бозорларига ўз маҳсулотларимиз билан дадил кириб боришимиз ҳам айнан Афғонистон заминида тинчлик ўрнатилишига боғлиқ. Янги бозорлар очилиши Марказий Осиё давлатлари, қолаверса, Афғонистоннинг ўзи учун ҳам янги иш ўринлари барпо этилишининг гаровидир. Шу маънода, Афғонистонни минтақавий интеграция жараёнларига жалб қилиш мамлакат иқтисодиётини тиклашда катта аҳамият касб этади. Умумий муаммолар ечими ҳамда тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик, минтақавий ўзаро боғлиқлик ва иқтисодий интеграцияни кўллаб-қувватлаш мақсадида қўшни давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга интилиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур. Бу борада пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро конференция ҳал қилувчи ролни ўйнади.

Учинчидан, минтақаларо ҳамкорлик учун инфратузилма муҳим аҳамиятга эга. Бугун Покистон ва Ўзбекистон Афғонистон орқали минтақаларо алоқаларни кенгайтириш учун улкан саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Покистон, шунингдек, Гвадар ва Карачи портларидан фойдаланиши Ўзбекистон, Афғонистон ҳамда минтақадаги бошқа мамлакатлар тадбиркорлари учун тижорий жиҳатдан жозибадор қилиш чораларини кўрмоқчи. Жаҳоннинг энг яқин портларига чиқишдек Ўзбекистон орзуси ҳам Афғонистондаги вазиятга боғлиқ.

Минтақа мамлакатлари ва Афғонистонга қўшни давлатлар афғон заминида узоқ давом этган урушдан жуда қўп азият чекди. Мажоро минтақага салбий таъсир кўрсатди. Ёндош ва олисдаги қудратли давлатлар ҳар бирининг Афғонистонда ўз манфаатлари бор, шу нуктаи назардан, халқаро анжуман уларни қўшни мамлакатда тинчликка эришиш учун бирлаштириш йўлида улкан мулоқот майдони сифатида хизмат қилди.

Афсуски, илгари Афғонистонда тинчликка эришиш учун Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида самарали ҳамкорлик бўлмаган. Агар Афғонистонда тинчлик бўлса, бу минтақадаги барча давлатлар учун ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий

жиҳатдан фойдали бўлади. Афғонистонда хавфсизлик изга тушиб бораётган экан, мамлакат иқтисодий тикланиш эҳтиёжига дуч келмоқда. Афғонистон Муваққат ҳукумати ҳам бежиз қўшни давлатлар ва халқаро ҳамжамиятни мамлакатга сармоя киритишга чорлаётгани йўқ, Турли қўтларларнинг туташ чоррахаси ҳисобланган Афғонистон халқаро иқтисодий ҳамда гео-

логия экспертларининг ҳисоб-китобида кўра 2 триллион долларлик фойдали қазилма ва минерал бойликларга эга. Демак, Афғонистонни қайта тиклаш ҳамда инфратузилма лойиҳаларида фаол қатнашаётган Ўзбекистон Афғонистонга сармоя ётқизишдан манфаатдор.

Ўзбекистон доимо Афғонистон билан аънанавий дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларини асраш, бетарафликни сақлаш ҳамда қўшни мамлакат ички ишларига аралашмаслик тарафдори эканлигини қатъий билдириб келган. Бунинг амалдаги исботи ўлароқ, Ўзбекистон ҳукумати биродар афғон халқига ҳар томонлама иқтисодий ва гуманитар ёрдам кўрсатиш, жумладан, мамлакатда мустаҳкам ҳамда кенг қамровли тинчлик ўрнатилишига хизмат қиладиган йирик энергетика ва транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш орқали кўмак беришда давом этиб келмоқда.

Кези келганда айтиш жоизки, мамлакатимиз Афғонистонда иккита муҳим лойиҳани урдалаётди. Биринчиси, энергетика соҳасидаги лойиҳа бўлиб, қўшни мамлакатда энергиянинг 50 фоизи Ўзбекистондан етказиб берилади. Иккинчиси — аср лойиҳаси, яъни Афғонистон орқали темир йўлининг бўнёд этилишидир. Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар трансфасон йўли бу нафақат афғон заминда тинчликни таъминлаш, балки унинг иқтисодиётини ривожлантириш нуктаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга. Мазкур йўл Ўзбекистонга товар олиб келиш жараёни 3 — 5 кунни ташкил қилишнинг таъминлайди. Бу эса ўз-ўзидан товар таннархининг пасайишини юзага келтиради. Транзит ролини ўйнайдиган Афғонистон ҳам миллиардлаб фойда олади.

Узунлиги 750 км. бўлган Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар темир йўли лойиҳаси 1 200 дан ортиқ сунъий иншоотларни, шу жумладан, 3 туннель, 336 кўприк қуришни ўз ичига олади. Дастлабки маълумотларга кўра, лойиҳани амалга оширишнинг тахминий умумий қиймати 4,6 миллиард АҚШ долларига тенг дея баҳоланмоқда. Мазкур лойиҳа икроси нафақат минглаб янги иш ўринлари яратиш, балки афғон жамятининг кўллаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш имконини беради. Ушбу лойиҳанинг аҳамияти шундаки, у Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги темир йўл инфратузилмасини боғлайди, шу билан минтақаларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайди. Унинг ҳаётга таъбиқ этилиши мамлакатлар иқтисодиёти ривожлантириш, худудлараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлашда зарур шарт-шароитлар ва реал имкониятлар яратеди.

Афғонистон томони халқаро Тошкент конференциясининг Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилгани учун алоҳида мамнуният билдирди. Афғонистон ташкисиёсат маҳкамаси раҳбари вазиасини бажарувчи Амир Хон Муттақий Ўзбекистонга миннатдорлик изҳор этар экан, шу

чоққача уюштирилган конференциялар афғон заминида урушни тўхтатишга қаратилгани, яқинда ўтказилган тадбир эса Афғонистонни ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилганлиги билан катта эътиборга сазовор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Бу бежиз эмас. Мамлакат ҳаётида янги босқич бошланмоқда. Маърузачилар дол-

зарб масалаларни очик ва ҳатто баҳс-мунозара тарзида ҳам муҳокама қилдилар. Тўғри-да, ҳақиқат айтилмаса, муаммо ҳал бўлмайди. Афғонистон бўйича Тошкент конференциясининг аҳамияти ҳам ана шунда.

Афғон заминида тинчликни таъминлаш — бу фақат хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишдангина иборат эмас. Тинчликка интилишнинг асосий шарты — бу Афғонистон учун минтақавий ва халқаро миқёсда келишилган, яхлит ҳамда кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Иқтисодиётини тикламасдан, аҳолининг мураккаб ижтимоий муаммоларини ҳал қилмай туриб, бу заминда тинчликка эришиб бўлмайди. Афғонистоннинг иқтисодий келахалига сармоя киритиши давом эттириш муҳим. Инсонпарварлик дастурлари ҳамда лойиҳаларини молиялаштиришни қисқартиришга йўл қўймаслик кераклигини Президентимиз тақдор ва тақдор айтиши замирида ҳам 1990-йиллардаги халқаро ҳамжамият хатоларини тақорламамаслик истаги ётибди.

Афғонистондаги уруш давомида зўравонлиқдан бошқа ҳеч нимани кўрмаган бутун бир авлод воғяга етгани ҳам ҳеч қимга сир эмас. Афғон ёшларига ўз тақдирларини ўзлари белгилаш имкониятини бериш орқали жамятда таълим ва маърифатнинг нафрат ҳамда экстремизм ғояларига қарши тура оладиган нуфузини шакллантириш лозим. Ўзбекистон бу борада фаол иш олиб бормоқда. Мамлакатимиз ташаббуси билан Термиз шахрида афғон фуқароларини ўқитиш учун таълим маркази барпо этилди ва анжуманда унинг фаолиятини кенгайтириш масаласи ҳам кўтарилгани шундан.

Афғонистонда тинчлик ҳақида келишувларнинг барқарорлиги, аввало, мамлакатдаги барча сиёсий қўчларнинг — сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва этник ғуруҳларнинг ўзлари ушбу жараёнга жалб қилинишига боғлиқ бўлади. Умумиймиллий келишув ҳамда ярашувсиз сезиларли тараққиётга эришиш мумкин эмас. Тан олиш керак, сўнгги 11 ой ичида Афғонистон Муваққат ҳукумати бу йўлда қатор ютуқларга эришди. Афғонистон ташқи ишлар вазири вазиасини бажарувчи Амир Хон Муттақийнинг таъкидлашича, барча давлат органлари фаолияти, ходимлари сақлаб қолинди, аҳолига асосий хизматлар кўрсатилмоқда. Коррупция дегарли нолга тушди. Сиёсий ва ҳарбий муҳолифларнинг барчасига амнистия эълон қилинди. Афғонистон тарихида илк бор толерантлик сиёсати эълон қилинди: ҳеч қим сиёсий ғоялари учун ишдан олинмади. Барча четга чиқиб кетган ватандошлар-

Мухтасар айтганда, халқаро тадбир ва унда қатнашганларнинг таъғифи ҳамда тавсиялари, ёндашувлари халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосига бефарқ эмаслигини намоян этди, шунингдек, конференциянинг аҳамияти ва умуман, Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатда тинчлик ҳамда барқарорликка эришишга қаратилган саъй-ҳаракатларини аниқ кўрсатиб берди.

ни юртга қайтаришга даъват қилинмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган анжуманнинг асосий мақсади жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонга нисбатан умумий ёндашувларини ишлаб чиқиш, жумладан, янги ҳокимият органлари билан мулоқотга киришиш ва ривожлантириш, афғон халқига низождан кейинги мамлакат ҳаётини йўлга қўйиш ҳамда мустақил, барқарор ва ўзини ўзи таъминлайдиган давлат қуришда ёрдам беришдан иборат. Тадбир 20 дан ортиқ мамлакатлардан 100 дан ортиқ иштирокчиларни, шунингдек, етакчи халқаро тузилмалар — БМТ, Озёк-овкат ва қишлоқ хўжалиғи ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислон ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти вакилларини ўз атрофига жамлагани мақсадларга эришиш йўлидаги улкан қадам бўлди.

Гап шундаки, давлатимиз раҳбари Афғонистоннинг халқаро майдонда яккаланиб қолишининг олдини олишга қаргани, ақс ҳолда, ушбу мамлакатда гуманитар вазият янада ёмонлашши муқаррар экани ҳақидаги фикрлари нақадар ҳаётлигини анжуман иштирокчиларининг барчаси кўллаб-қувватлади. Ахир сўз миллионлаб одамларнинг тақдир, шунингдек, тинч йўл билан ҳал қилиш учун муайян қадамлар қўяётган, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ўрнатишга, халқаро ҳамжамият билан ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилаётган мамлакатнинг Муваққат ҳукуматини кўллаб-қувватлаш ҳақида кетаётган эди.

Айтмоқчимизки, Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан янгича ёндашувини ишлаб чиқишда етакчилик қилмоқда. Тошкент нафақат хавф-хатарни камайтиришга интилоқда, балки иқтисодий алоқалар ва минтақавий ривожланишни рағбатлантириш бўйича улкан дастурни амалга оширмоқда. Афғонистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги савдо-сотиқни осонлаштирувчи транзит давлат сифатидаги концепциясини илгари сурил ушбу мамлакат ҳукуматини мафқурадан кўра иқтисодиёт ҳамда савдога эътибор қаратишга ундаши мумкин. Афғонистоннинг барча қўшнилари ичида Ўзбекистон бу борада етакчилик қилиш учун энг қулай маскан. Боз устига Ўзбекистон Афғонистоннинг хориждаги активларига қўйилган таъқиқни ечиш масаласига эътибор қаратиш заруригини таъкидлади. Бу эса мамлакат иқтисодиётини тиклаш имконини беради. Қисқача айтганда, Ўзбекистон нуктаи назари қатъий. Зеро, яқин келажақда Афғонистон минтақа мамлакатлари, биринчи навбатда, қўшни давлатларнинг миллий манфаатларига бевоесита дахлдор бўлган минтақавий хавфсизлиқнинг муҳим омили бўлиб қолади.

Қоалицион ҳукумат ва аёллар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш Афғонистонда барқарорлик қафолатидир. Шунинг учун ҳам расмий Тошкент афғон томонини халқаро ҳамжамиятнинг асосий талабларини имкон қадар тезроқ бажариш, жумладан, аёллар ва миллий озчиликлар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, қизларнинг тўлиқ мактаб таълимидан фойдаланишини таъминлаш бўйича самарали чоралар қўришга даъват этди. Халқаро террорчи таъкилотлар билан алоқаларни буткул узишга чакрилди. Афғонистон томони бу талабларга риоя этишга, афғон замини бундан бўён Марказий Осиёга, шу жумладан, Ўзбекистонга таҳдид ўчоғи бўлмаслигига ваъда берди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

ДАРЁ ЎЗАНЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ САЛБЎЙ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ

“Сувнинг ҳар қатраси зарга тенг”, деган иборанинг мазмун-моҳиятини бугун ҳар қачонгидан-да кўпроқ ва теранроқ англаяпмиз. Сабаби бу бебаҳо неъматнинг қадри йил сайин ошиб, ўзи тобора танқис бўлиб бормоқда.

Мушоҳада

Йил қурғоқчи келган вақтларда эса бу қишлоқ хўжалиғи экинлари ҳосилдорлигига ҳамда бошқа кўллаб жабжаларга ўз таъсирини кўрсатяпти. Бунда, албатта, инсон омилы ҳам бор, боиси сув объектларида ўзбошимчилик билан олиб борилаётган “тадбиркорлик” оқибатлари қимматга тушяпти. Шу нуктаи назардан, қумшағал каби материаллардан табиатга завол етказмаган ҳолда фойдаланиш масаласи ҳар қачонгидан долзарб бўлиб бораётми.

Бу борада ҳукумат томонидан дарё ўзанларини тозалаш, қирғоқларини мустаҳкамлаш, норууда фойдали қазилмаларни қазиб олиш, ер ости сувлари олиш учун қудуқлар бурғилаш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, уларга мувофиқ муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамастан, дарё ўзанларини тозалаш, қирғоқларини мустаҳкамлаш, шунингдек, норууда фойдали қазилмалардан фойдаланишда қатор муаммолари масалалар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, дарё ўзанларида фаолият олиб борувчи айрим субъектлар томонидан лойиҳа параметрларига, гидрогеология, экология талабларига риоя қилинмапти. Норууда фойдали қазилмаларни қазиб олиш жойларида назорат мосламаси, чегара худудларни кўрсатувчи бетон қозик-

лар, тальвег контурлари туширилган топохартитани ўрнатиш, қирғоқларни босқичма-босқич мустаҳкамлаш ҳамда маркшейдерлик назоратини йўлга қўйиш каби ишлар етарли даражада йўлга қўйилмаган. Боз устига, масъул вазирилик ва идоралар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар икроси лозим даражада таъминланмагани боис худудларда айрим хўжалик юритувчи субъектлар белгиланмаган жойлардан қумшағал аралашмасини ноқонуний ва тартибсиз равишда қазиб олмақда.

Ўрганишлар давомида Қашқадар вилотидаги дарё ўзанларида қумшағал материалларидан фойдаланишда фуқаролар ва тадбиркорлар томонидан қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Масалан, айрим тадбиркорлар бу борада лицензиясиз фаолият юритаётгани, рухсати борлари эса қумшағал материалларидан техник шартларга зид, тартибсиз равишда фойдаланаётгани аён бўлди. Натижада бугунги кунда мавжуд дарё ва бошқа сув объектлари ландшафти кескин ўзгариб, сув ва ер ресурслари, ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига, уларнинг яшаш ва ўсиш муҳитига, қумшағал захираларига катта зиён етказилмоқда.

Давлат мулки ҳисобланган дарё ўзанлари ва қирғоқ минтақаларидан доимий равишда ноқонуний даромад олиш учун бир ғуруҳга бирлашган

хомашё браконьерлари бемалол фаолият олиб бормоқда. Бундай ҳолатларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чораларни қўриш ва аҳоли ўртасида профилактика ишларини амалга оширишга доимий равишда эътибор қаратайлаётган бўлса-да, бу каби қонунбузилишлар, афсуски, ҳамон давом этапти. Мисол учун, олиб борилган экологик назорат рейд тадбири давомида айрим фуқаролар томонидан ноқонуний равишда қумшағал аралашмасини қазиб олиб, юк ташувчи машинага юклаётгани аниқланди, ҳуқуқбузарларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан жарима қўйилганган.

Очилини айтиш керак, қумшағал материалларининг рухсатсиз қазиб олиниши ақсарият ҳолларда ер усти ва ер ости сувлари камайиб кетиши, сувни муҳофаза қилиш зоналари ботқоқлашиши ва ифлосланиши, уларнинг қирғоқлари, сугорих тизимлари, транспорт ва гидротехника инфратузилма объектлари бузилишига, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар самарадорлиғи пасайишига олиб келмоқда. Энг ёмони, бундай ҳолатлар дарё атрофида дехқончилик юришиб келаётган маҳаллий аҳоли ва хўжалиқларнинг минглаб гектар майдонларидаги сув таъминотига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида экин ерларининг та-

наззул жараёни тезлашишига сабаб бўлаётми.

Айни пайтда дарёларнинг муҳофаза минтақаларида тош майданлиҳа цехлари жойлашган бўлиб, улардан чиқаётган оқова сув тиндирилмасдан тўғридан-тўғри дарёга оқизилиши туфайли унинг нефть маҳсулотлари, темир ва муаллақ моддалар билан ифлосланиш даражаси ортиб бормоқда.

Республика бўйича қурилишлари қумшағал ва чаққ тошлар билан таъминлашининг истиқболли ва йиллик режаси ишлаб чиқилмаган. Бугунги кунда қурилиш қорхоналари фақат эҳтиёждан келиб чиқиб, ўзлари учун арзон бўлган қумшағал аралашмаларини дарё ўзанларидан қазиб олиб фойдаланмоқда. Ҳолбуки, бир қатор хорижий давлатлар (Туркия, Россия, Қозғистон, Япония, Жанубий Корея, Хитой) тахрибасига кўра, дарё ўзанларидан норууда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тижорат мақсадида амалга оширилмайди. Қолаверса, дарё тошларидан олинган шебень маҳсулотларини қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш тақиқланган.

Бизда вазият қандайлигини батафсил айтиб ўтдик. Бу, албатта, кенг тарқалган фойдали қазилмалар ресурсларига келтирилган зарарни ендириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмагани билан изоҳланади. Шу боис назорат юритувчи орган инспекторлари томонидан қонунбузар фуқаролар ва мансабдор шахсларга нисбатан таъсирчанлиғи паст бўлган маъмурий жазо қўлланилмоқда, холос.

Мавжуд вазият асосида муайян ишлар амалга оширилаётганини ҳам айтиш жоиз. Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг охириги ялпи мажлисида дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норууда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл хўжалик объектларига салбий таъсири юзасидан Ҳукуматга парламент сўрови юборилди.

Эндиғи вазифа сўз юритилган йўналиш билан боғлиқ қонунчиликни хорижий тажрибадан келиб чиқиб тақомиллаштиришдан иборат.

Илҳом ҚУРБОНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси.



ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ САРҲИСОБИ

Андижонда “Бобур номидаги халқаро жамоат фонди: изланиш, натижа ва режалар” мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Мамлакатимиз бобуршунослари билан бир қаторда Эрон, Туркия, Қозғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Канада ва Ҳиндистонлик олимлар қатнашган анжуманда Бобур но

ДАВЛАТ ТИБББІЙ СУҒУРТАСИ



Амалиёт ўзини қанчалик оқлаяпти?

Кейинги йилларда аҳоли саломатлигини сақлашга эътибор янада кучайди. Шу мақсадда тиббиёт соҳасини тубдан такомиллаштириш борасида кенг қўлламли ислохотлар олиб борилмоқда. Булар бирламчи тиббий санитария ёрдами, шошилиш ва тез тиббий ёрдам, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, хусусий тиббиёт, қўйингки, тизимнинг барча жабҳасини қамраб олмоқда. Бироқ жойларда аҳоли бундай ўзгаришларни ўз ҳаётида сезяптими? Zero, Президентимиз таъкидлаганидек, ислохотлардан асосий мақсад одамлар ҳаётини яхшилаш экан, сифатли тиббий хизмат бу борада муҳим ўрин тутиши, шубҳасиз.

Айтиш жоизки, бугунги кунда барча ривожланган давлатларда мажбурий тиббий суғурта тизими жорий этилган. Бу орқали бюджет харажатларини камайтириш, тиббий хизмат сифатини оширишга

Саломатлик

Шифокор қабулида навбат бўлмайди

— Аввало, лойиҳа доирасида вилоятда яшовчи 852 мингдан зиёд аҳолининг электрон реестри шакллантирилди, — дейди Давлат тиббий суғуртаси



жамғармаси ижрочи директори Фаррух Шарипов. — Беморлар ташхиси, касаллик тарихи ва муолажа ҳолати ҳақидаги барча маълумотлар электрон базада жамланмоқда. Бу эса хасталикни эрта аниқлаш ва олдини олиш, қолаверса, шифокорлар фаолиятини баҳолашда қўл келяпти. Қолаверса, бу бемор учун ҳам, шифокор учун ҳам анча қулай. Чунки электрон базадан маълумотлар тез топилади. Олдинги ташриф ва текширувлар натижалари билан шифокор бир неча дақиқа ичида тўлиқ танишиши мумкин.

Ваҳоланки, тиббий карталарнинг қоғоз шаклида рўйхатга олиниши, биринчидан, карталарни кидириб топиш мушкуллигига сабаб бўлса, иккинчидан, ёзувларни шифокор қўздан кечиришини кутиб ҳам беморлар кўп вақт йўқотарди.

Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш жараёнида бирламчи тиббиёт муассасаларида шифокоролди кўрик хоналари жаҳон стандартлари асосида ташкил этилди. Натижада бир беморни кўриш, ташхис қўйиш, муолажаларни ўтказиш учун оилавий шифокор аввалгидек ўртача 5-6 дақиқа ўрнига, 15 — 20 дақиқа вақт ажратиш имкониятига эга бўлди.

Шифокоролди кўрик хонасида амалиётчи ҳамширалар беморни мустақил текшириб, юкумли бўлмаган (юррак-қон томир, қандли диабет, нафас олиш органлари) касалликлар хавфини баҳолаши учун дастлабки скринингдан ўтказишади. Шикоятларни қайд этади ва зарур ҳолларда оилавий шифокор қабулига йўналтиради. Дастлабки кўрик натижасида оилавий шифокор қабул қиладиган беморлар сони ортиб, уларни тор соҳа мутахассисларига йўналтириш ўртача 16 фоизга камайди.

Энг муҳими, тиббиёт муассасасига келган беморлар энди навбат кутиб турмайди. Улар олдиндан, ўзига қулай вақтда электрон навбатга ёзилади.

Давлат тиббий суғуртасининг илғор модели танланган

Сирдарёда жорий этилаётган давлат тиббий суғуртаси тизими дастлабки натижаларини бермоқда. Хусусан, лойиҳа доирасида ҳудудда профилактик кўриклар ўрнига, вилоятнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, мақсадли скрининг текширувлари олиб

борилмоқда. Аслида ҳам профилактика ишлари яхши йўлга қўйилса, касалликлар кескин камаяди ва унга сарфланадиган маблағ ҳам тежаларди. Мазкур жараёни яқиндан кузатиб бораётган хорижий экспертлар дастлабки натижаларни эътироф этишмоқда.

— Ўзбекистон аҳоли саломатлигини сақлашнинг сифатли моделини жорий қилмоқда, — дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистон бўйича маслаҳатчиси Кристофер Фицпатрик. — Бу ривожланган давлатларда синовдан муваффақиятли ўтган илғор тажрибадир. Биз жараёнларни бевосита кузатиб бораёلمиз ва эксперт сифатида айтишим мумкинки, касалликка чалинган инсоннинг уйига бепул дори-дармон етказиб бериш унга имкон қадар тезроқ ёрдам кўрсатишига хизмат қилади. Касалликларни даволашдан кўра олдини олиш ёки эрта аниқлаш ҳам даволашда катта самара беради. Бу — тиббиётнинг олтин қонуни.

Ўзбекистонда илк бор давлат тиббий суғуртаси тизимини тажриба-синов тариқасида ҳаётга татбиқ этиш, беморларга қулайлик яратиш мақсадида шифохоналарни бирлаштириш, уларнинг негизда тиббиёт кластерини ташкил қилиш, у ерда илмфан ва амалиётни уйғунлаштириш ишлари бажарилмоқда.

Соҳада мураккаб ва юқори технологик амалиётлар йўлга қўйилапти. Бу борада ҳам халқаро тажрибадан келиб чиқиб тасвия ва маслаҳатлар бериш, ушбу мураккаб жараёнларнинг амалиётга тезроқ татбиқ этилишига қўмаклашишга доим тайёرمىз.

— Қарийб ўттиз йил давомида чекка ҳудудда ишлаган оилавий шифокор сифатида айтишим мумкинки, Сирдарёда эришилган натижалар тахсинга лойиқ, — дейди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Қозоғистондаги ваколатхонаси вакили Арнолдас Юргутис. — Мана бир кичик мисол: биз

эришилган. Шу боис ҳам айни кунларда мамлакатимизда халқаро тажриба асосида давлат тиббий суғуртаси тизимини босқичма-босқич жорий этишга киришилди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилотида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Унга қўра, биринчи босқич тажриба-синов тариқасида Сирдарё вилотида амалга оширилмоқда. Иккинчи босқич 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилотлари ва Тошкент шаҳрида, учинчи босқич эса 2025 йилдан юртимизнинг ҳамма ҳудудига жорий этилади. Ҳўш, ўтган бир йилда Сирдарё тажрибаси қанчалик ўзини оқламақда? Кузатишларимиз шу хусусда.

тиббиёт муассасаларида амалиёт ва патронаж ҳамширалари билан мулоқотда бўлди. Биргаликда беморларнинг касаллик тарихи ёзилган қайдномаларини ўргандик. Кузатувларимизнинг бирида 50 ёшлардаги эркакнинг мурожаати билан боғлиқ ҳодисага дуч келдик. Унинг қон босими юқори бўлишига қарамай, ўз вақтида кўрсатилган тез ёрдам туфайли ноҳуш оқибатнинг олди олинди. Қандай дейсизми? Бу жараёнинг алоҳида эътироф этиладиган жиҳати шундаки, бемор патронаж ҳамшираларга 5 маротаба учрашиб, уларнинг тавсияларига амал қилган. Демак, тиббиёт ходимлари аҳолига анча яқинлашиб бормоқда. Шу кичик мисолдан ҳам билиш мумкин-ки, давлат тиббий суғуртаси механизмларини амалиётга жорий этиш жараёнида Сирдарё вилотида бирламчи тиббий санитар ёрдам анча яхшилانган. Тўғри, ҳали ҳал қилиниши керак бўлган масалалар ҳам йўқ эмас. Аммо синов жараёнида босқичма-босқич татбиқ этилиши туфайли бу муаммолар ўз ечимини топишига умид қиламиз.



Сирдарёда жорий этилаётган давлат тиббий суғуртаси тизими дастлабки натижаларини бермоқда. Хусусан, лойиҳа доирасида ҳудудда профилактик кўриклар ўрнига, вилоятнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, мақсадли скрининг текширувлари олиб

Сурункали касалликка чалинган беморлар бепул дори-дармон билан таъминланади

Давлат тиббий суғуртаси механизмлари доирасида сурункали касалликларга чалинган беморларга кўпроқ эътибор берила бошлангани ҳам ибратли жиҳат. Ваҳоланки, илгари улар рўйхатга олинми, даволаниш буюрилган ва кузатувга олинган. Афсуски, ҳамма ҳам дори-дармонини ўз вақтида харид қилиб, муолажаларни белгиланган муддатларда бошлай олмайдди. Оқибатда касаллик янада кучайиб кетиши мумкин. Давлат тиббий суғуртаси тизими асосида беморларга дориларнинг бир қисми бепул берилаётгани ана шундай инсонлар



нинг дардига тезроқ малҳам топишга хизмат қиладди. Бу жараёнда вилоятда реимбурсация тизими амалиётга татбиқ этилди. Ҳўш, унинг аҳамияти нимада, афзалликлари-чи?

— Бу тизим аҳолини дори-дармон билан таъминлаш, алоҳида сурункали касалликларни даволаш учун шифокор томонидан буюрилган дорилар харажатларини мақсадли компенсация қилишни кўзда тутади, — дейди Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ижрочи директори Ф. Шарипов. — Даволаш стандартларига қўра, дори қабул қилиш ҳар қандай касалликни даволашнинг ажралмас қисмидир. Бироқ сурункали касалликларни амбулатор шартларда узлуксиз муолажа қилиш тизими мукамал эмас. Шу боис аҳолининг зарур дори-дармондан фойдаланиш имкониятини ошириш учун реимбурсацияни амалиётга жорий этиш зарурати юзга келди.

Бу жараёнда, асосан, уч йўналишдаги — гипертония, юрак ишемик, қандли диабетнинг иккинчи тури, бронхиял астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги қамраб олинган.

Мазкур тизимнинг йўлга қўйилгани сурункали касаллик билан оғриганларни дори-дармон билан узлуксиз таъминлаш имкониятини беради. Бемор электрон рецепт асосида дорини ўзига қулай вақтда олиши мумкин.

Бунинг учун сурункали касаллик билан диспансер назоратида турган беморлар ўз оилавий шифокорига мурожаат қиладди. Шифокор беморни зарур текширувдан ўтказиши, керак бўлса, лаборатория-диагностика текширувларига юборади. Унинг халқаро касалликлар таснифига қўра, аниқ ташхис қўйилган, электрон тиббий карталга маълумотлар киритилади ва электрон рецепт шакллантирилади. Ушша заҳоти беморнинг мобил телефонига хабар келади.

Зарурат туғилганда (беморнинг талабига қўра), шифокор электрон рецептни беморга қоғоз шаклида тақдим этиши мумкин. Шифокордан электрон рецептни олган бемор Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан шартнома тузган дорихонага дори олиш учун мурожаат қиладди.

Реимбурсацияда иштирок этаётган дорихона беморга дори-дармонни электрон рецепт асосида бепул беради. Бунда берилган дори бўйича дорихоналар сарф-харажати Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси қўлаб беради.

Сирдарёда қўлланилаётган реимбурсация тизими тажриба-синов жараёнидан муваффақиятли ўтса, келгусида юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этилиши мўлжалланган.

Хар қандай ислохот инсонлар ҳаётида акс этсагина, у қадрлидир

Албатта, ҳар қандай ислохот инсонлар ҳаётида акс этсагина, унинг қадри ва аҳамияти юқори бўлади. Шундай экан, давлат тиббий суғуртаси ҳақида сирдарёликларнинг фикри қандай?

— Хорижда беморларнинг шифокор қабулига ўзига қулай вақтда кириб боришини эшитиб, ҳавас қилардик, — дейди Гулистон шаҳрида яшовчи Ботиркул Норбеков. — Энди юртимизда ҳам шундай тартиб жорий этилди. Рўйхатхонага телефон орқали боғланиб, ўзимизга керакли шифокор қабулига навбат олиш, белгиланган вақтда боришимиз мумкин.

Биласизми, авваллари шифокор ва ҳамшира бир хонада ўтиргани боис ҳамшира билан битадиган ишларга ҳам навбатда турилар, шошилганлар ҳадеб эшикни очиб, мўралайверишидан одамнинг нима дард билан келгани ҳам эсдан чиқарди. Энди ҳамшира шикоятингизни ўрганиб, шифокор қабулига йўллайди. Шифокор билан юзма-юз қолиб, бема-лол гаплашиш имкони яратилгани бизга анча қулай бўлди.



— Сирдарё вилотида тажриба-синов тариқасида давлат тиббий суғуртаси тизимининг жорий этилиши шифокорларнинг ҳам қарашларини ўзгартирди, — дейди Гулистон тумани тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Алишер Эркаев. — Улар ишга сидқидилдан ёндашмоқда, қилаётган ҳар бир ишини масъулият билан бажармоқда. Шахсан менга ёққан жиҳати оилавий поликлиника (ОП), КТМП ва станцияларда фаолият юритаётган шифокорларнинг ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Агар ОПда даволаш имкони бўлса, оилавий шифокорлар даволашга харакат қилмоқда. Негаки, ҳар бир шифокор қанча кўп беморга сифатли тиббий хизмат кўрсатса, бу маошга таъсир қилишини тушуниб етмоқда.

Асосийси, сон эмас, сифатга ўтилиши ва шунга яраша маош тўланиши тиббиёт ходимларига ўзига хос мотивация бермоқда.

...Хулоса ўрнида айтганда, жамиятнинг бебаҳо бойлиги бўлган инсон саломатлигини мустақамлаш, юртимизда тиббий хизмат сифатини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳаммаша давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Албатта, бу борада қўзланган натижаларга эришиш учун тиббиёт ходимлари зиммасига юкланган вазифаларни виждонан, ҳалол бажариши, фидойиликни фаолиятининг асосий мезонига айлантириши лозим. Шу маънода, Сирдарё вилотида йўлга қўйилган Давлат тиббий суғуртаси лойиҳасининг илк натижалари аҳолини сифатли ва малакали тиббий хизмат олишини таъминлаш, саломатлигини асраш ва умуман, халқимизни тиббий хизматдан рози қилишга эришишга қаратилаётгани билан ҳам эътиборга молиқдир.

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи»)

ЭЪЛОН

Инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ–4343-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчиларга замонавий талаблар асосида арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимларига кўп квартиралар уйларни тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қуриш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка таклиф этилади. Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларида куйидагилар талаб қилинади:

1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси.
2. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг ташкилий тузилиши бўйича маълумот.
3. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг охириги уч йиллик (2019, 2020 ва 2021 йиллар) молиявий ҳолати тўғрисида маълумот (охириги уч йиллик “Ф-1” ва “Ф-2” ҳисоботлари, пудрат шартномалари, объектни фойдаланишга топшириш бўйича нухсаларини илова қилиши шарт).
4. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилотининг

қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома.

5. Давлат солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома ҳамда ишчи-ходимлари тўғрисида маълумот (солиқ ҳисоботида кўрсатилган ишчилар сони “миллий меҳнат.уз” базасига тўғри келишини исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт).

6. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси ҳамда қурилиш техникаси ва кичик қурилиш механизмлари

тўғрисида маълумот (техник паспортларнинг нухсалари бўлиши шарт).

7. Қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа таклифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўринишда).

8. Қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва қурилиш шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда).

9. Қурилган уйларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат таклифи).

10. Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносига қўшимча равишда автомобиллар тураржойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт.

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 87-уй, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси. Телефон: 71-281-94-08

Қурилиш режалаштирилаётган объект манзили:

1. Тошкент шаҳар ИИББ тасарруфидagi Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 14-мавзе, 48-ўй олдида жойлашган қурилиш умумий майдони 1500 м² (0.15 га) бўлган бўш ер майдони.
2. Тошкент шаҳар ИИББ тасарруфидagi Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчасидаги Яккасарой тумани ИИОФМБ ҳудудда жойлашган қурилиш умумий майдони 6000 м² (0.60 га.) бўлган бўш ер майдони.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги жамоаси агентлик директори ўринбосари Улугбек Азамовга онаси

Фароғат КОМАЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти жамоаси “Народное слово” газетаси масъул ходими Нина Николаевна Рижковага онаси

Нина Михайловна РИЖКОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.

E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz



ТИНЧ ЭЛНИНГ БОҒИ ГУЛЛАР

Халқлар дўстлиги ва тотувлиги энг катта бойлик.

Эътироф ва эҳтиром ифодаси

Жанабай АДИББАЕВ, Қораўзак туманидаги “Қуралпа” овул фуқаролар йиғини раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Жорий йилги Халқлар дўстлиги кўни арафасида тарқалган хушxabар нафақат мени, оиламизни, балки жамоамиз ва туманимиз ахлини ҳам бирдек қувонтирди. Президентимиз Фармонига мувофиқ “Дўстлик” ордени билан мукофотланганимни барчамиз меҳнатларимиз эътирофи ва катта эҳтиром ифодаси сифатида қабул қилдик.

Мен раҳбарлик қилиб келаётган “Қуралпа” овул фуқаролар йиғини Қорақалпоғистон шимолида жойлашган Қораўзак туманининг олис ҳудудларидан биридир. Овулимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқариш ва халқни рози қилиш борасида қўллаб амалий ишлар олиб боришда. Масалан, 2-сектор ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда “аёллар дафтари”-га киритилган 37 та хонадон томорқасидан самарали фойдаланиши ва чорва моллари учун артезиан қудуқлар қазиб берилди. Бундан ташқари, 30 нафар хотин-қизга ўзини-ўзи банд қилиш лойиҳаси асосида тикув машиналари ҳада этилган бўлса, 15 нафарига 1 миллион 80 минг сўмдан моддий ёрдам пуллари ажратилди. Шунингдек, боқувчисидан айрилган, уй-жойга муҳтож уч аёл ҳамда 3 та ёш оилага 6 та уй-жой хомийлар томонидан қуриб берилди. Ҳудуддаги қишлоқлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида хомийлар ёрдамида махсус сув тозаловчи ускуналар ишга туширилди.

Шубҳасиз, бу каби ишлар келгусида ҳам давом этади. “Маҳалла раиси — бош ислохотчи” тамойили асосида ишга масъулиятни янада оширамиз. Зеро, Президентимиз томонидан берилган мукофот руҳини янада кўтарди. Республикамизда юзлаб маҳалла раислари бор. Улар орасидан мен ушбу орденга муносиб кўрилдимми, демек, миллатлараро тотувлик ва дўстлигини таъминлашда ҳар томонлама намуна бўлишнинг керак, деб ўйлайман. Жамоамиз билан бирга бу мақсадга, албатта, эришамиз.

Юрт равнақи йўлида камарбастамиз

Сувҳидин ШАРОФИДИНОВ, Сўх тумани нурунийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби:

— Мамлакатимизнинг чекка ҳудудида яшовчи Сўх тумани аҳли тинчлик, яқин қўшничилик ва миллатлараро тотувлик неъматини нечоғли қадри қанчалигини жуда яхши англайди. Яқин йилларгача қўшничилик муносабатларидаги “муз даври” қийинчиликлари ва азоблари билан юзма-юз яшашга тўғри келди. Шўқри, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қамрови кенг эгу ташаббуслари доирасида Сўх ва сўхликларнинг елкасига ҳам офтоб теғди.

Бугун Фарғона вилояти ва мамлакатимизнинг исталган бошқа ҳудудига бориб келиш, тadbиркорлик, аҳоли турмуш фаровонлигини юксатириш, янги авлодга замонавий шароитлар яратиш, қўйингки, ҳаётимизнинг барча жабҳасида оламшумул ўзгаришлар бўлди. Қарийб 80 минг аҳоли истиқомат қиладиган туманимизнинг ҳар бир маҳалласи, оиласи мисолида бунга истаганча исбот келтириш мумкин. Туман марказидаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари, таълим ва тиббиёт соҳасидаги ислохотлар, сўхлик ёшларга олий таълимга кириш учун берилган имтиёзлар, Жавпая сингари бир неча маҳаллаларда барпо этиладиган иссиқхоналар, тadbиркорлик ва деҳқончилик соҳасига янгича ёндашув, нурунийлар ва хотин-қизларга бўлган эътибор, ёзги оромгоҳ, болалар боғчалари фаолияти ташкил этиладиган сўзимизга далил бўла олади.

Президентимиз Фармонига қўра Халқлар дўстлиги кўни муносабати билан юртимизнинг бир гуруҳ фаоллари қаторида давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ қўрилганим Сўх ахлига кўрсатилган гамхўрликнинг яна бир намунаси бўлди. Бир умр таълим тизимида, маҳалла институти фаолиятини ривожлантириш борасида сидқидилдан меҳнат қилдим. Бундан буён ҳам юрт равнақи йўлидаги эзгу сий-ҳаракатларда астойдил камарбаста бўламан.

Ўзбек ва туркман — бир олманинг икки юзи

Эргаш АВАЗОВ, Республика туркман миллий маданият марказининг Сурхондарё вилояти бўлими раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Туркман миллатига мансуб бўлсам-да, Ўзбекистон фуқароси сифатида шу Ватанда бахт-икбол топдим. Шу заминда туғилиб, камол топиб, Термиз давлат университети профессори илмий даражасини олишга муваффақ бўлдим. Умрим бесамар кетмагани, фарзандларим ҳам эл қорига яраётганига

шукрона айтаман. “Ўзбекистон жоноҳон Ватани” дея мудом қалбимда ғурур, ифтихор хиссини туяман. Шу боис давлатимизнинг юксак ордени билан тақдирланганим шодлиғимни янада оширди.

Наздимда ўзбек ва туркман эли бир олманинг икки юзи, эту тирноқ қабидир. Тарихий илдиэларимиз бир, ҳаёт тарзимиз, миллий қадриятларимиз ҳам ўхшаш. Ўзбекистонда Махтумқули Асарлари ардоқлангани сингари Туркменистонда Алишер Навоий адабий мероси севиб мутлоа қилинади. Шунинг ҳам айтиш керакки, азалий дўстликка ҳамоҳанг тарзда давлатларимиз ўртасидаги яқин қўшничилик, стратегик шериклик муносабатлари ҳар томонлама мустаҳкамланиб бормоқдаки, бу жиҳатлар шу йилнинг 15-16 июль кунлари Туркменистон Президенти Сердар Бердмухамедовнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ўзбекистонда 2001 йилдан буён туркман миллий маданият маркази фаолият олиб бормоқда. Марказнинг Сурхондарё вилояти бўлими ўз фаолиятида туркманларга хос кўп асрлик анъана ва қадриятларни бор ҳолида сақлаш ва уни келгуси авлодларга етказишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда бахтли ва фаровон жамият қуриш йўлидаги изчил ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишнинг бевосита иштирокчиси бўлиш, Ватан равнақи ва тараққиётига муносиб ҳисса қўишини ўз олдимизга мақсад қилиб олганмиз. Зеро, Президентимиз табриғида қайд этганидек, Ўзбекистон — умумий уйимиз. Турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, дўстлик ва аҳиллик муҳити, шубҳасиз, энг катта бойлиғимиз, куч-қудратимиздир.

Юксак ишончнинг масъулияти

Антонина КИМ, Ўзбекистон корейс миллий маданият марказлари уюшмасининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлими раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Ҳар бир киши меҳнати эътироф этилса, чин дилдан қувонади, янада шижоат билан ишлашга рағбат сезади. Аммо эътирофнинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар қаторида ўз исм-шарифини ўқиб, буни юракдан ҳис этдим.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 30 дан ортқ миллат вакиллари бир оила фарзандларидай аҳил-иноқ истиқомат қилмоқда. Вилоятда 4,5 минг нафарга яқин корейс миллатига мансуб юртдошларимиз барчамиз учун ягона бўлган жоноҳон Ватанимиз равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.

Вилоятда рус, татар, корейс ва қозоқ миллий маданият марказлари ҳамда “Ўзбек — туркман” дўстлик жамияти фаолият кўрсатади. Ушбу марказлар учун Ўрганч шаҳрида барча қулайликка эга замонавий бино барпо этилди. Бу ерда мўъжазгина музей, тил ўргатиш, ракс ва бошқа тўғаракларни ташкил қилдик. Марказимиз ташаббуси билан ўтказилаётган фестиваллар, маданият-маърифий тadbирлар қардош халқлар анъаналари ва маданиятларининг бир-бирини бойитишига хизмат қилмоқда.

Камтарона меҳнатим қадрланиб, давлатимизнинг юксак мукофотига лойиқ топилганимдан бениҳоя хурсандман. Бу эътироф мени янги ютуқ ва зафарларга чорлайди, бундан кейин янада шижоат билан ишлашга ундайди.

Урф-одатлар уйғун, оқибат баланд

Андрей ВОЛОДИН, Ўзбекистон рус миллий маданият марказининг Наманган вилояти бўлими раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Руслар меҳмондўст Наманган заминида ўзбеклар билан қадрдонлашиб кетган миллат вакиллари билан ҳисобланади. Урф-одат ҳамда анъаналаримиздаги ўхшашлик, рус халқи байрамлари ва бошқа маросимларни эмин-эркин нишонлаш борасида амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ишлар ёшлар тарбияси, уларда Ватанга, истиқлол ғояларига садоқатни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, дўстлик ва биродарлик, ягона Ватан туйғусини улуғловчи маданият-маърифий фестивалларнинг биродарлик ришталарини кучайтиришдаги ўрни катта.

Айтиш керакки, ўз иқтидори, билим ва тажрибасини намойиш этиш учун яратилган тенг имкониятлар миллатдошларимизнинг ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқаришдаги фаоллигини оширмоқда. Буни, масалан, улар орасидан қўллаб салохиятини мутахассислар, эл қорига камарбаста тadbиркорлар, инновацион ғоялари билан тараққиётга ҳисса қўшаётган ёшлар етишиб чиқаётгани билан тасдиқлаш мумкин.

Биргаликда аҳил ва иноқ ҳаёт кечириш, биродарлик туйғуларини мустаҳкамлашда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлар учун барпо этилган “Дўстлик уйи”да яратилган имкониятларнинг ўрни беқиёс. Биз бу ерда қувончи

кунларимизни биргаликда нишонлаймиз, тажрибаларимизни ўртоқлашамиз, муаммоли масалаларни ҳамкорликда ҳал қиламиз.

Бу ишларнинг ҳаммаси жоноҳон Ўзбекистонимизда барча миллат ва элатлар вакилларининг бир оила фарзандлари сингари ҳаёт кечиришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилгани, инсон қадри, унинг манфаатлари устуворлиги таъминланаётгани шарофатидир.

Бахтимни шу ерда топанман

Элдар МАМЕДОВ, Республика озарбайжон миллий маданият марказининг бошқарув кенгаши аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Ўзбекистон — менинг Ватаним, жоноҳон диёрим, бахтимни шу ерда топанман, аёлим ўзбек. Бу ерга келганимга 40 йилдан ошди. Очигини айтсам, шу заминда ўз соҳам — кино санъати бўйича қўллаб муваффақиятларга эришдим. 150 дан ортқ хужжатли, 30 та бадий фильм сураатга олганман. Улар орасида кўпчилигини эътиборига тушиб улгурган Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлигига бағишланган “Азалий дўстлик ришталари”, мамлакатимизнинг ўзига хос жойлари, меҳридарё одамлари, сўлим табияти, дарёдил халқи ҳақида сўзловчи “Ўзбекистон — бағрикенг диёр” фильмлари ҳам бор. Ўз иходий фаолиятим орқали халқларимиз дўстлигини улуғлашга, янада мустаҳкам бўлишида нималарга эътибор қаратишимиз лозимлигини очиб беришга ҳаракат қилиб келяпман.

Меҳнатларим бу йил яна ўз мевасини берди, Халқлар дўстлиги кўни арафасида “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Бу мукофот бир ўзимга эмас, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллатдошим учун юксак фахрdir.

Халқларимиз биродарлиги кўнглимиз тинчлиги, тонглашимиз софлиги, осмонимиз мусаффолигини таъминлаб беради. Мен ҳам шу ишга бел боғлаган инсонлар қаторида ўз меҳнатим, ҳаракатим ва изланишларим билан сидқидилдан хизмат қиламан.



Суратлар «Халқ сўзи» фотокамранидан.

Ҳамжиҳатликда гап кўп

Турехон НАРИМБЕТОВ, Ўзбекистон қозоқ миллий маданият марказининг Навоий вилояти бўлими раиси, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Тарихдан ўзбек ва қозоқ халқларининг дўстлиги борасида кўп ибратли ҳикматлар маълум. Академик шоиримиз Ғафур Ғулум бу икки халқни бир китобнинг икки саҳифасига ўхшатган бўлса, қозоқ оқини Асқар Тўқамағамбетов биродарлиғимизни тавсифлаб, ўз шеърида “Бир дарахтнинг сояси тушга қадар меники, тушдан кейин сеники”, дея лутф этган эди.

Ҳамжиҳатлик, жамиятда миллатлараро тотувликни таъминлаш, ҳар бир шахсга миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, ёш авлодини миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Биргина Навоий вилоятини оладиган бўлсак, ҳудудда 70 да ортқ миллат ва элат вакиллари истиқомат

қилиб, таълим олти тилда олиб борилади. Ўндан ортқ миллий маданият марказлар фаолияти йўлга қўйилган.

Қозоқ миллий-маданият маркази шулардан бири бўлиб, миллий бағрикенгликни тарғиб этиш, қозоқ халқи қадрият, урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш, кейинги авлодга етказиш, фарзандларимизни ёшлиғидан барча миллат вакилларига ҳурмат руҳида тарбиялаш устувор вазифаларимиз ҳисобланади.

Давлатимизнинг юксак мукофотига муносиб қўрилганим ҳар бир миллатдошимга ғурур бағишлаб, биродарлик ва ўзаро аҳиллигига берилган юксак баҳо, деб қабул қилдим. Ушбу мукофот бир-биримизга бўлган меҳримизни янада кучайтириб, янада ҳилс ва иноқ бўлишга ундайди. Зеро, Президентимиз табриғида таъкидлаганидек, тинчлик бор экан — тараққиёт мавжуд. Мана шу тотувлик бор экан — келажагимиз ҳам, албатта, ёруғ бўлади.

Бу ришталарни узиб бўлмайди

Давлат ЁҒМИРОВ, Қашқадарё вилояти араб миллий маданият маркази раиси ўринбосари, “Дўстлик” ордени соҳиби:

— Қашқадарё вилоятида 70 мингдан зиёд араб миллатига мансуб аҳоли истиқомат қиладиган бўлса, уларнинг урф-одатлари, миллий либослари, қўшиқ ва рақслари, хунармандчилик ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга ҳаракат қилинмоқда. Бу ўзига хос удумлارни давом эттиришда вилоят араб миллий маданият марказининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Президентимиз ташаббуси билан барча вилоятларда бўлгани каби Қарши шаҳрида ҳам “Дўстлик уйи” барпо қилиниб, унда турли миллатларнинг урф-одатлари, либослари ҳамда қадриятлари акс эттирилган музейлар ташкил қилинди. Музейда араб халқининг ҳам маданияти, маърифати ва урф-одатлари ўз ифодасини топган.

Миришкор шаҳридаги Жейнов қишлоғида 20 минг нафардан зиёд араб миллати вакиллари истиқомат қилишмоқда. Бу қишлоқда араб милла-

моқда ва бу анъаналар келгусида ҳам давом этади. Бунинг учун имконият ҳам, шарт-шароитлар ҳам мавжуд.

Қувонарлиси, байрам муносабати билан мен Президентимиз Фармони асосида “Дўстлик” ордени билан тақдирландим. Бу юксак мукофотни нафақат менга, балки миллатдошларимга билдирилган юксак ишонч деб ҳисоблайман. Аминманки, бу эътироф ва эъоз миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг меҳри тортади

Елена АСЛАНОВА, Самарқанд вилоятидаги гимнастика бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг катта мураббийси, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби:

— Иш фаолиятимни 1984 йилдан, аникроғи, мактабни тугатган бошлаганман. Бошида спорт гимнастикасида ишлаганман, кейинроқ эса бадий гимнастика билан профессионал даражада шуғулландим. Айни пайтда мураббий сифатида гимнастикачи спортчиларни тарбиялаб, вояга етказишга ўз ҳиссамни қўшиб келяпман.

Тизимдаги ислохотлар, яратилган шароитлар натижасида чемпион қизларимиз сони ортиб бормоқда. Улар орасида кўзга қўринган спорт усталари, республика, Осиё, жаҳон чемпионатлари мусобақаларида иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритган, давлат мукофотларига сазовор бўлган спортчилар талайгина. Учта шоғирдим халқаро тоифадаги спорт устаси даражасига эришган.

Дарвоқе, мазкур ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида турли миллат ва элат вакиллари меҳнат қилиб келяпмиз. Аҳамиятлики, доим бир-биримиз билан аҳил бўлиб, бир мақсад йўлида, яъни соғлом миллатни камол топтиришга ҳаракат қиламиз. Спортчиларимиз орасида ўзбек, рус, татар, корейс, тожик ва бошқа миллат вакиллари кўп. Биз ҳаммамиз иноқмиз, опа-сингилдек бўлиб кетганмиз. Халқаро мусобақаларда қатнашиш учун бошқа давлатларга чиқсак, Ўзбекистоннинг меҳри одамни тортади. Буни қалбидан ўтказган, ҳис қилган киши билади. Мен Ўзбекистонни яхши кўраман. Бугун шундай юртда яшаётганимдан, турли миллат ва элат вакиллари аҳил бўлиб ишлаётганимиздан жуда бахтлиман.

Халқлар дўстлиги кўни муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида давлатимиз раҳбарининг Фармони билан II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирландим. Албатта, юксак эътибор ва рағбат кишига янги марраларни забт этишга қанот бағишлайди. Мен ҳам ўз олдимга улкан мақсадларни қўйдим. Бу мукофот ва эътироф менга келгусида халқаро миқёсда юксак марраларга эришадиган спортчи ёшлар авлодини тарбиялаб, янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида бор билим, тажрибамни сафарбар этишга куч-қувват бағишлайди.

Ўтмишимиз ҳам, бугунги тақдиримиз ва келажагимиз ҳам умумий

Умар САЛМАНОВ, Ўзбекистон турк миллий маданият маркази раиси:

— Дўстлик, ошна-оғайничилик, қардошлиқ ришталари меҳр-оқибат, ўзаро ишонч каби туйғулар асосида иншо этилса, мустаҳкам ҳамда абадий бўлишига шубҳа йўқ. Халқлар дўстлиги кўни инсонлар қалбида ана шундай туйғуларни жонлантириши, гўзал ришталарни боғлаши билан аҳамиятлидир.

Куни кеча давлатимиз раҳбари ўз табриғида халқимизни байрам билан самимий муборакбод этаркан, ягона Ватан туйғусини асраб-авайлаш, ёш авлодни мана шу руҳда камол топтириш борасида самарали фаолият олиб бораётган турли миллат вакиллари қатори мени ҳам қайд этгани кўксимни ғурурга, қувончга тўлдирди.

Табрикда барчамиз учун Ватан битта экани, шу тавбаруқ заминда яшаётган ҳар бир миллат вакилининг ўтмиши ҳам, бугунги тақдир ва келажаги ҳам бир эканига алоҳида ургу берилгани бежиз эмас. Ушбу сўзлар замирида Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва тинчлиги учун барчамиз бирдек бурчлимиз, деган улуғ тушунча ётбиди.

Унутмаслик керакки, барчамизнинг елкамизда юртимиз истиқболни йўлида беминнат ва чин дилдан хизмат қилиш, тотувлиқни кўз қорачиғидай асраш, баркамол авлодни ҳам худди шундай руҳда вояга етказишдаги шарафли вазифалар турбиди. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат вакили бу вазифаларнинг моҳияти салмоғини чуқур англашга ва бу йўлда борини бағишлаб меҳнат қилишига шубҳа йўқ.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 24 012 нусхалда босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёғмазалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.40 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6